

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «23» 7

195-13-190-ОВ/2022-

сон

ш.

Ташкилот: Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи) номидан, ўзининг устав ва низомлари асосида, фаолият юритувчи раҳбар: А. Юсупов бир тарафдан, Иккинчи тараф ташкилот: «Хива Халол савдо» МЧЖ (кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритилувчи) номидан ўзининг устав ва низомлари асосида фаолият юритувчи раҳбар: Д. Садуллаев пудрат шартномасини қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага асосан, Пудратчи “Буюртмачи” нинг буюртмасига асосан, Тўрткўл тумани Гулзор кўчасини 0-0,258 км қисмини жорий таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда, тегишли меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равишда, бажаришни ўз зиммасига олади

1.2. “Буюртма” чи ўз навбатида, “Пудратчи” томонидан, бажарилган хизматларининг ҳақини ўз вақтида тўлаш ва иш натижаларини қабул қилиб олиш, мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. Мазкур шартнома асосида, бажариладиган хизмат турлари ва баҳоси шартноманинг тафсилотлар бўлимида тўлиқ кўрсатилган.

### 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ БАЖАРИШ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. “Пудратчи” томонидан, хизматлар тўлиқ бажарилганидан кейин “Буюртмачи” ишларни далолатнома асосида, далолатнома тўлдириб қабул қилиб олади.

2.2. “Пудратчи” шартнома мажбуриятларига асосан, хизматлар сифатига тўла кафолат беради ва барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.3. “Пудратчи” хизматларни бажариш жараёнида ва кейинчалик кафолат даври давомида, аниқланган нуқсонларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

### 3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси: 48 540 000 (Қирқ саккиз миллион беш юз қирқ минг) сўмни ташкил қилади. Шундан. ҚҚС сўммаси 6 331 304,34 сўмни ташкил қилади.

3.2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар, шартноманинг

3.1. бандида кўрсатилган сумманинг 30 фоизи олдиндан пул ўтказиш йўли билан қолган 70 фоизи хизматлар узил-кесил тўлиқ бажарилганидан кейин пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Пудратчи” нинг мажбуриятлари:

4.1. “Пудратчи” мазкур шартномага асосан, барча мажбуриятларни қонунга мувофиқ тарзда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2. “Пудратчи” шартнома бўйича, хизматларни белгиланган муддатда, меъёрлар ва нормаларга мувофиқ равишда бажаради.

4.3. “Пудратчи”, кўрсатган хизматларининг сифатига бир йил давомида тўла кафолат беради.

4.4. "Пудратчи" хизматлар кўрсатиш жараёнида нуқсонлари аниқланганида, барча камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилади.

"Пудратчи" нинг ҳуқуқлари:

4.5. "Пудратчи" "Буюртмачи" дан , кўрсатилган хизматлари учун ҳисоб-китоб тўловларини ўз вақтида амалга оширишни талаб қилишга.

4.6. "Пудратчи" "Буюртмачи"дан шартнома мажбуриятларига тўла амал қилишни талаб қилишга.

4.7. "Буюртмачи" шартнома бўйича, мажбуриятларини бажармаганида ёки лозим даражада бажармаганида, буюртмачини Қорақалпоғистон Республикасининг Иқтисодиёт судига беришга.

"Буюртмачи" нинг мажбуриятлари:

4.8. "Буюртмачи" "Пудратчи" томонидан, кўрсатилган хизматларнинг ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш.

4.9. Мазкур шартнома бўйича, ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни қонунларга мувофиқ тарзда бажариш.

4.10. Шартномага асосан, "Пудратчи" томонидан, кўрсатилган хизматларни ўз вақтида қабул қилиб олиш.

"Буюртмачи" нинг ҳуқуқлари:

4.11. "Пудратчи"дан мазкур шартнома бўйича, барча мажбуриятларни тўлиқ бажарилишини талаб қилиш.

4.12. "Пудратчи" Кўрсатилаётган хизматлари давомида, меъёрлар ва нормалардан чекланишга йўл қўйганида, "Пудратчи"ни огоҳлантириш ҳуқуқига эга.

4.13. "Пудратчи" мазкур шартнома бўйича, мажбуриятларини тўлиқ ёки лозим даражада бажармаганида, "Пудратчи"ни Қорақалпоғистон Республикасининг ҳўжалик судига беришга ҳақли.

#### V. ШАРТНОМА ТАРАФЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. "Пудратчи" мазкур шартномага асосан, ўз зиммасига олган мажбуриятларини 10 кунга кечиктирилса шартнома баҳосидан 0,5 фоизи миқдорда.

- ундан кейинги 20 кун учун шартнома баҳосидан 5% миқдорда.

- ундан кейинги муддатлар учун 20% миқдорда

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишда даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида туланиши шарт.

Бироқ, пенянинг умумий суммаси буюртмачининг 50 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.2. "Буюртмачи" мазкур шартномага асосан, хизматлар ҳақини кечиктиргани учун ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз миқдорда пеня тўлайди.

Бироқ, бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

#### VI. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартноманиннг мажбуриятлари тарафлар томонидан қонун доирасида бажарилиши лозим.

6.2. Тарафлар шартнома бўйича, ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини тўла таъминласалар шартнома бажарилган ҳисобланади.

6.3. Шартнома мажбуриятлари "Пудратчи" томонидан, 45 кун ичида тўлиқ тугатилади..

## VII. ШАРТНОМАГА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

1. Шартнома тарафларнинг келишувига асосан, Ҳазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 31 декабр 2022 йилгача амал қилинади.
2. Мазкур шартноманинг бажарилиш муддатига томонларнинг ўзаро келишувига сувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБЛАРИ

1. Мазкур шартнома бўйича, ўзаро келишмовчиликлар ва низолар келиб чиққан ҳолда, тарафлар қоида тариқасида, уларни судгача ҳал қилиш чораларини кўрадилар.
2. Тарафлар ўртасида келиб чиққан, келишмовчилик ва низолар ўзаро ҳал қилинмагач, белгиланган тартибда, Қорақалпоғистон Республикасининг иктисодиёт судида ҳал қилинади.

## IX. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

1. Тарафлардан бири, шартномани форс-мажор ҳолатлар туфайли, яъни енгиб бўлмас кучлар (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган, ёнғинлар, жала, дўл, сел, сув ташиқини, zilзила) туфайли бажармаганлигини исботласалар, жавобгар бўлмайдилар.
2. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари тўғрисида, ёзма равишда бир-бирини хабардор қилишлари лозим.

## X. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро розилиги билан ёзма равишда амалга оширилади.
2. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан икки нусхада тузилди, ушбу нусхаларнинг барчаси бир ҳил юридик кучга эга.
3. Мазкур шартнома, мажбурий тартибда, давлат Ҳазначилик бўлинимасидан рўйхатдан ўтказилганидан бошлаб қонуний кучга киради.

### ПУДРАТЧИ

Ташкилот: «Хива Халол савдо» МЧЖ

Манзил: Хоразм вилояти, Хива туман, Гандимён МФЙ

Тел: (99) 347 13-83 (93) 922 34-37

РС: 20208000504810124001

ИНН: 301276716

Банк: АТБ Агробанк Урганч филиали

МФО: 00548



*О.Д. Садуллаев*

### БУЮРТМАЧИ

Ташкилот: Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Тўрткўл куча 55 уй

Тел: 532-33-28

ЛС 401722860352337065200110004

ИНН: 204633184

Банк: Марказий банк Т-ш Бош

МФО: 00014

Молия Вазирлиги ағали Ҳазна ҳисоб варағи, Ҳазначилик бўлинимаси:

ХР: 2340200030010000101

Директор: *А. Юсупов*



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

1. Loyihaning turi: **Xo'jalik shartnomasi**
2. Loyihaning nomi: To'rtko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasining "Xiva Xalol savdo" MChJ bilan umumiy narxi 48 540 000 so'm bo'lgan Pudrat shartnomasi to'g'risidagi shartnoma loyihasi.
3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: To'rtko'l tuman Obodonlashtirish boshqarmasini tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 21-iyul kuni dasturga kiritilgan.
4. Ushbu shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksihg 354-moddasi, O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgust kungi "Xo'jalik yurutuvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida" gi 670-1 sonli Qonunining 10, 13, 25, 26 va 32-moddalari, shuningek, O'zbekiston Respublikasi 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida»gi O'RQ 684-sonli qonuninng 7-bobi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish choratadbirlari to'g'risida»gi 6313-sonli Farmonning 1-bandi 4 xatboshisi va 3-bob v kichik bandlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish **maqsadga muvofiq.**

**To'rtko'l tumani Adliya bo'limi**

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**

**bosh yuristkonsulti:**



**N.Radjabova**

**22. 07. 2022 yil**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Тўрткўл туман Ободонлаштириш бошқармаси  
бошлиғи А.Юсупов  
« 23 » Июль 2022 йил

**Тўрткўл тумани Гулзор кўчасини 0-0,258 км қисмини жорий таъмирлаш учун  
энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган**

**121949/1 сонли мажлис баённомаси**

**Катнашувчилар:**

**Комиссия раиси:**

А.Юсупов- Тўрткўл туман Ободонлаштириш  
бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

**Комиссия аъзолари:**

М.Таджибаев -Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулиμβетов Туман молия бўлими мутахассиси,  
комиссия аъзоси

Р.Раимов Бўим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов Механик, комиссия аъзоси

**Кун тартиби:**

Тўрткўл тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси А.Юсупов мажлисда танлов комиссиясининг 5 аъзосидан 5 киши катнашаётганлигини айтиб ўтиб танлов комиссияси мажлисини очик деб эълон қилди.

Ушбу танлов бўйича 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш танлов ўтказилиши хақидаги элон танлов катнашувчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати 5 кун олдин бюджет ташкилоти томонидан махсус ахборот порталига (etender.uzex.uz) 2022 йил 14 июль кунги №22110012121949 лот бўйича ва 2022 йил 21 июн кунги №121949 сонли баёнома бўйича ҳеч қандай эътироз келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” Қонун талабларига ва юқоридаги кўрсатилган маълумотларни ҳисобга олиб танлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1.Тўрткўл тумани Гулзор кўчасини 0-0,258 км қисмини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлов ҳужжатларидан ҳамда танлов шартлари бўйича энг яхши таклифларни таклиф қилган ва танлов ғолиби деб XIVA XALOL SAVDO MCHJ 48 540 000 сўм (ҚҚС билан бирга) шартнома тузилсин.


2.Танлов ғолиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тағдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги катнашувчи (резерв) қилиб BEGZOD-FOZIL MCHJ белгилансин. Бунда Ғолиб катнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.

3.Қонун талабларига мувофиқ танлов қанашувчиларнинг таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш муддати таклифларни бериш тугашидан 10 кун муддатдан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.


4.Ташкилотнинг бош хисобчиси М.Нуриев танлов якуни бўйича голиб билан шартнома хужжатларини таёрлаш ҳамда шартнома тузилгандан кейин 3 иш куни ичида тегишли ахборот парталига (etender.uzex.uz) жойлаштириш топширилсин.


5.Танлов комиссияси котиби Х.Севиндиқов ушбу танловга тегишли барча хужжатларни белгиланган тартибда сакланиши таъминлансин.


**Комиссия раиси:**

А.Юсупов-  Тўрткўл туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи, комиссия раиси

**Комиссия аъзолари:**

М.Таджибаев  Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

М.Кулимбетов  Туман молия бўлими мутахассиси, комиссия аъзоси

Р.Раимов  Бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

Д.Ходжаниязов  Механик, комиссия аъзоси